O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 7 июл шанба

Сотувда эркин нархда № 133 (2695)

Олий Мажлисда

Ишончли шахслар ишончни оқламаяпти

Бозор иқтисодиётининг табиати шундай: рақобат пайдо бўлиши туфайли қайсидир корхона синади, иккинчиси эса ривожланади, яъни ютади... Ана шундай муносабатларни тартибга солиш учун мамлакат парламенти 1994 йилда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилган эди. Ана шу қонун бугун қандай ишлаяпти, унга жойларда қандай амал қилинмоқда? Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижроси муҳокама қилинган йиғилишида асосий эътибор ана шу масалага қаратилди. Йиғилишни қўмита раиси Муҳамаджон Умаралиев олиб борди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Давлат мулки қўмитаси ҳузурида Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси тузилган эди. Мазкур қўмита зиммасига банкротлик ҳолатларини кузатиш, таҳлил этиш, чора-тадбирлар кўриш ва уларни тугатиш каби вазифалар юклатилган. Вилоятда ҳудудий комиссия тасдиқлаган режага мувофиқ, 2000 йилда 35 та, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 45 та иқтисодий ночорлик аломатлари мавжуд бўлган корхоналарнинг молиявий ҳолатини мўътадиллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

Қонуннинг 47, 74-моддаларида иқтисодий ночор корхоналарнинг иқтисодий аҳволини ўнглаб олиши учун имконият бериш мақсадида ташқи бошқарув ҳуқуқий институтидан фойдаланиш белгиланган. Ана шундай имкониятдан вилоятда қандай фойдаланилмоқда? Йиғилишда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга қараганда, ўрганиш даври мобайнида бешта корхонада ташқи бошқарув таомили жорий этилган. Ва бу вилоятда ўзининг самарасини бермоқда. Масалан, «Ўзавтотранс» корпорациясига қарашли 2504-сонли автокорхонага 24 ойлик муддатга берилган давлат молиявий ёрдами бугунги кунда яхши натижаларга олиб келди. Лекин, афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш имкони йўқ. Ташқи бошқарув жорий этилган корхоналарда айрим мутасадди раҳбарлар қўмаклашиш ўрнига, аксинча, халақит бераётганлиги аниқланган. Масалан, «Ўзпаррандасаноат» уюшмасига қарашли «Риштонпарранда» акциядорлик жамиятида айнан шундай ҳолат кузатилди. Ва бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ишчи гуруҳи тайёрлаган маълумотларга қараганда, банкрот, деб топилган корхоналарни тугатиш ишига жалб қилинадиган ишончли шахсларни танлашда анчагина хатоликларга йўл қўйилмоқда, яъни тажрибасиз, билими саёз бўлган шахслар таклиф қилиняпти. Бу эса, тугатиш ишларининг пайсалга солинишига олиб келмоқда, айрим ҳолларда қонун бузилиши ҳолатларини юзага чиқармоқда. Масалан, 2000 йил давомида 10 та ишончли шахс, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 3 та ишончли шахс алмаштирилган.

Йиғилишда хўжалик суди кўрсатган ишончли шахсларнинг номзодлари фақат ҳокимлик билан эмас, балки Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси билан ҳам келишилган ҳолда тайинланса мақсадга мувофиқ бўларди, деган таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Қўмита қабул қилган қарорда мавжуд ҳолатлар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга қатор тавсиялар берилди.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил инфратузилма вазири Авигдор Либерман бошчилигидаги делегация Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистоннинг Исроил билан ҳамкорлиги ҳақида сўз борди. Икки мамлакат ўртасида барча соҳаларда алоқалар яхши йўлга қўйилган бўлса-да, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми имкониятлар даражасида эмаслиги таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон — Исроил савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш ва бу борадаги мавжуд айрим муаммоларни биргаликда бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Исроиллик меҳмонлар "Сохнут" халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ҳам бўлди. Дунё яҳудийлари томонидан тузилган бу агентлик асосан ёшларни Исроил тарихи, маданияти ва илм-фани билан яқиндан таништириш, иврит тилини ўргатиш, турли маданий тадбирлар ўтказиш билан шуғулланади. Мазкур ваколатхона Ўзбекистонда ўтказилаётган хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

(ЎзА).

Сўз — Ўзбекистон Қаҳрамонига

Тўқсон тўққизинчи йилнинг август ойи эди. Тўсатдан суратингиз борми, деб сўраб қолишди. Қаранг, ўшанда тузукроқ суратим ҳам йўқ экан. Бориб суратга тушдим. Нима учун, деб сўрамабман ҳам. Орадан икки ҳафтача ўтган эди, чамаси. Оқшом ишдан келиб, овқатга уннаётган эдим, болаларим телевизор кўришаётганди. «Ахборот»дан менинг ҳам номимни эшитиб қолишди. Болаларим:«Ая, сизнинг суратингизни кўрсатишди», деб ошхонага югуриб келишди. Қаҳрамон бўлганлигимни ана шундан кейин билганман. Ака-укалар, ёр-дўстларимизнинг табриги бир ҳафтагача тинмади. Ишониб-ишонмайман...

ОТАМНИНГ АРМОНЛАРИ УШАЛДИ

«Яхши ният — ярим давлат» деганлари тўғри экан. Бундан беш йилча олдин Тошкентга, байрамга келаётиб бухоролик Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар опа Темирова билан битта купега тушиб қолдик. Ўшанда кўкракларидаги Қаҳрамонлик медалига ҳавас-ла боқиб, яратгандан ният қилган эдим. Қаранг-ки, тўрт йилдан кейин менга ҳам Қаҳрамонлик насиб қилди. Бир оддий йигирувчининг Қаҳрамон бўлганини эшитган юртдошларимиз ўзларича, албатта, ниманидир хулоса қилган бўлишлари аниқ. Бу билан «мен муносибман», демоқчи эмасман. Асло, мендайлар Бухорода ҳам, бошқа жойларда ҳам жуда кўп. Мен буни Президентимизнинг оддий касб эгаларига, хусусан тўқимачилик соҳасига кўрсатаётган эътиборлари, деб биламан.

Йигирма саккиз йилдан буён ип йигирувчилик қиламан. Битта ўзим тўртта дастгоҳда ишлайман. Корхонамизда бир кунда 80 килограмм ип йигириш режалаштирилган. Менинг бир кунлик маҳсулотим 100 килограммдан кам бўлганини эслаёлмайман. Юзга яқин шогирдларим бор. Менга опам устозлик қилган, десам янглишмайман. Мен опамга эргашиб, шу корхонага ишга келганман. Ип йигириш, бирданига бир неча дастгоҳда ишлаш сирларини ҳам опам ўргатган. Онам раҳматли Нина Раҳматова ҳалол, покиза, тикиш-бичишни ҳам жойига қўядиган аёл эдилар. Раҳматли отамнинг гаплари қулоғимдан ҳеч кетмайди. Оилада етти киши эдик. Колхозда ишласалар ҳам иккинчи жаҳон урушида қон кечиб, жуда кўп қийинчиликларни бошларидан кечирган эдилар. Шунданми, гаплари ҳам таъсирли эди, кўнгилга яқин эди. Биз фарзандларига: «Болаларим, меҳнатдан қочманглар. Меҳнат қилсаларинг кам бўлмайсизлар, фақат сидқидилдан ишланглар, ишларингга фириб, ҳаромхариш аралашмасин», дейишни канда қилмасдилар. Мени мудом бир армон ўртайди: «Истиқлолга эришганимизни ва менинг Қаҳрамон бўлганимни қани отагинам ҳам кўрганларида эди», деб куйинаман. У киши ҳаёт бўлганларида эди ёш боладай бўйинларига осилиб олиб: «Отажон бизни тўғри йўлга бошлаган сизсиз», деган бўлардим. У киши ҳам суюниб: «Болам, бошинг омон бўлсин, юртингга содиқ бўл, асраб-авайлагин, бу кунларнинг қадрига ет» дердилар. Бунга ишонаман.

Менга омад Мустақиллик йилларида кулиб боқди. Бундан анча аввал «Меҳнат шуҳрати» медали билан тақдирлангандим. Энди эса Қаҳрамонман. Бу дунёда бир одамга бундан ортиқ омад, бундан ортиқ бахт бўладими? Оддий йигирувчи ва оддий одамнинг қизига-я. Мендан келажакдаги режаларингиз нималардан иборат, деб сўрашса, халқимнинг, Юртбошимнинг ишончини оқлаш, берилган унвонга яраша хизмат қилиш, деб айтган бўлардим. Ана шундай бахт ҳаммага насиб этсин.

Мартия РАҲМАТОВА,
«Бухоротекс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти йигирув цехининг йигирувчиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони.
Зебинисо ҚУРБОНОВА олган сурат.

Қарор ва ижро

«Мустақиллик машъаласи»

1990 йилга қадар сурхондарёликлар табиий газни «Орзу олови» деб атаб келдилар. Орзулар минг олов бўлиб ёнди-ю, аммо газ яхши ёнмади. 1991 йилда воҳа қишлоқларини газлаштириш режаси 3 фоиздан зиёдроқ уддаланди, умумий газлаштириш ҳажми эса 12 фоизга тўғри келди.

Бугун бўлса сурхондарёликлар табиий газни «Мустақиллик машъаласи» деб баҳоламоқдалар. Ахир, ўтган 10 йил ичида юз йилларга татигулик ишлар амалга оширилди. Ҳозир ҳар ўнта хонадоннинг олтитасида «Орзу олови» ёнмоқда.

Алпомишнинг Бойсун элига қарата айтган «Қаҳратондан қақшаган юрт, кўз нуримдан олов ол» деган гапи бор. Юртбошимизнинг бир меҳрибон нигоҳлари тафтидан бугун узоқ Бойсуннинг 6 минг хонадонида газ порлаб турибди.

Олтинсойнинг тоғ чўққиларига туташ Мўминқул, Обшир қишлоқлари, Сариосиёнинг Хуфори қишлоғига ҳам аллақачон газ тармоқлари етиб борган.

— Ўн иккита урушни, ўн иккита подшоликни кўрдим, — дейди ангорлик 109 яшар Анорхол момо Норқобилова. — Ана, Мустақиллик! Шу умри боқий бўлгур Президентимиз ғамхўрлиги туфайли кун кўргандай бўлдик. Мен, отини ёзишни билмаган бир момо «Қадр-қадрият нима? Ватан нима? Дунё нима?» деган гапларга бугун оғзим очилиб ўтирмайди. Ҳукуматимиз бизни қуруқ гап билан эмас, балки газ билан, сув билан, ғалла ўргич улкан тракторлар билан сийлади. Онгимизга онг қўшди. Қаридим, дегинг келмайди... Мустақилликнинг 20 йиллигини ҳам одамларимиз қандай янгиликлар билан нишонлашларини бир кўргим келадики...

Дарвоқе, ҳукуматимизнинг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, 2010 йилгача Сурхондарё қишлоқлари тўлиқ газлаштирилиши керак. Кўрдингизми, Анорхол момонинг ўн йилги истиқболни ҳозирдан соғиниб яшаётгани бежиз эмас-да.

«Ҳар тўкисда бир айб», дейдилар. Бойсун, Олтинсой ва Бандихон туманларида газлаштириш соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилинаётган бўлса-да, айрим жойларда бу борада ҳали ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бир мисол.

Бугунги кунда Шўрчини саноатлашиб бораётган туман, деб тилга оладилар. Лекин «Шўрчигазтаъминот» идораси бошлиғи Жўра Намировнинг айтишича, туман ҳудудидаги қишлоқлар 28 фоиз газлашган, холос. Бу рақам вилоят кўрсаткичининг ярмидан ҳам камдир.

— Ўтган йили бюджет ҳисобидан тўрт ярим километрлик, хўжалик ҳисобидан 12 километрлик газ қувурлари ётқизилганди, — дейди Ж. Намиров. — Тан олиш керак, бу йилги ишларимизнинг кўри анча паст: фақат Охунбобоев номли хўжаликда атиги 2 километрдан кўпроқ масофага хўжалик ҳисобидан газ қувури тортилди. Бошқа хўжаликлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳукумат қарорининг ижроси билан, тўғриси, қизиқмаяптилар.

Анорхол момога ўхшаганлар эса «Эзгу ишнинг эртароқ ижобат бўлгани дуруст», деб дуо қилиб турибдилар.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тақдиримиз муштарак

КЎНГЛИНГ ТЎҚ БЎЛСИН, ҚОРАҚАЛПОҒИМ!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ижодий гуруҳи сув тақчиллигидан зарар кўрган ҳудудлар аҳолиси ҳузурида

Бизнинг бу сафаримиз одатдагидан бошқача бўлди. Гап шундаки, журналист хизмат юзасидан жойларда бўлганида қўлда ёндафтар ва қалам ила амалга оширилаётган ишларни кузатади, эътиборан далил ва рақамларни қоғозга туширади. Мақсад бирор ибратли иш бўлса, уни кенг жамоатчиликка етказиш, камчилик ёки нуқсон учраса, вақтида танқидий нигоҳ билан оғоҳ этиш. Бу галги ташрифимиз юқоридаги ақидага амал қилишдан ташқари, сув тақчиллигидан зарар кўрган ҳудудлар аҳолиси аҳволидан хабар олиш, уларга имкон қадар мададкор бўлиш, ҳорма-бор бўл қилишни кўзда тутганди. Биз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари муштарийлари номидан келгандик, аниқроғи, ҳозирги вазият бизни шимолий ҳудудга отлантирган эди.

Аввало, газетхонга шуни тезроқ айтишимиз керакки, хайрли ниятга йўлдош сафаримизнинг илк нуқтаси — Қорақалпоғистон Республикасида ҳеч ким тушкунликка тушган эмас, аксинча ислоҳотларни жорий этишда одамлар аввалгидан-да ғайрат-шижоат билан, умид ва ишонч билан фаоллик кўрсатишяпти.

— Биз ҳукуматимизнинг катта ғамхўрлигини биринчи бор ҳис этаётганимиз йўқ, — дейди Тахтакўпир туманидаги тажрибали ирригатор Роза Алмерова. — Ўтган йили ҳам Вазирлар Маҳкамаси Фармойиш қабул қилгандан сўнг бизга бутун Ўзбекистон ёрдам берди. Ҳукумат заҳирасидан ажратилган 756,3 миллион сўм сармоя аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарф этилди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган ёрдамни айтмайсизми?! Кўнгил яқинлигини ҳар қачонгидан-да чуқурроқ ҳис этдик.

(Давоми 2-бетда).



Таҳририятимиз оталиғига олинган Тахтакўпир туманидаги 6-мактаб кутубхонасида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари китоб жавони ташкил этилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Тошкентдан Нью-Йоркка йўл олган "Боинг-757" самолёти 3 июл куни Бирмингем (Буюк Британия) аэропортига қўнди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси матбуот хизматидан хабар қилишларича, бу билан Тошкент-Бирмингем-Нью-Йорк янги йўналиши бўйича доимий қатнов бошланди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг янги йўналиши учун бежиз Бирмингем транзит шаҳар сифатида танланмади. Амритсар ва Деҳли йўналишларига мослаштирилган Тошкент-Бирмингем йўналишида қатнов амалга оширилаётганига бир йилдан ошди. Бирмингемда ҳиндистонликларнинг катта гуруҳи истиқомат қилади, улар доим бу йўналишлар бўйича қатнайди. Шу боис янги йўналишда ҳам йўловчиларнинг кўп бўлиши аниқ.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси Европада катта ишонч қозонган. Компанияни жиддий ҳамкор деб билган Англия ва АҚШнинг авиация хизмати раҳбарлари унга Бирмингем-Нью-Йорк йўналишида "бешинчи ҳаво эркинлиги" ҳуқуқини берди. Ҳозирча бу ҳуқуққа МДҲдаги бирорта авиакомпания эга эмас.

Бу ҳол "Ўзбекистон ҳаво йўллари"га Тошкентдан Нью-Йоркка қатновни кўпайтириш имконини берди. Зеро, ўзбекистонликлар у ерга тез-тез учишмоқда. Энди бу йўналиш бўйлаб самолётлар ҳафтада уч марта: икки гал тўғридан-тўғри, бир гал Бирмингем орқали учади. Бирмингем йўналишининг афзалликлари шундаки, у Деҳли, Амритсар ва Жанубий-шарқий Осиёнинг бошқа марказларига амалга оширилаётган қатновлар билан мувофиқлаштирилган.

Бундан ташқари янги аэропортни ўзлаштириш Ўзбекистон авиакомпанияси учун Канадага янги йўналишлар очишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш керакки, Бирмингем Буюк Британиянинг иккинчи энг йирик аэропортидир. Ҳар йили бу ерда 7,5 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилади. Ҳар куни 160 тадан ошиқ йўналиш бўйлаб самолётлар қатнайди. Аэропорт хизмат кўрсатиш тезлиги бўйича энг яхши деб топилган. Унда 50 дан ортиқ авиакомпанияга хизмат кўрсатилади ва улар қаторига энди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ҳам қўшилди.

— Янги йўналиш Англия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга, Буюк Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик қатновини кўпайтиришга ёрдам беради, — дея таъкидлади Бирмингем лорд-мэри Жим Ворвуд.

(ЎзА).

Шу азиз Ватан — барчамизники

Сирдарёнинг бойлиги нимада?

Сирдарёнинг фахри — унинг одамлари, даласидир, деган гапни кўп эшитгансиз. Ҳақиқатан ҳам, вилоятнинг энг катта бойлиги қадоқ қўлли одамларидир.

Бу қўлларнинг ҳар бирини кўзга суртиш ор эмас. Зеро, бу қўлларнинг эгалари келажакка, истиқлолга ишонган, унга имон келтирган оддий одамлардир. Уларнинг меҳнати ҳалол, нияти тоза, тили билан дили бир. Кеча пойтахтимиздаги республика Бадиий академиясининг кўргазмалар залида вилоят меҳнаткашларининг Мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларини тараннум этувчи «Шу азиз Ватан барчамизники» шиори остидаги фестивалида бўлганлар бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Қуёшни уйғотувчи асл деҳқонларнинг меҳнатларига тан беришди.

Фестивалда намойиш этилган ҳар бир суврат, ўнлаб қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари, халқ ҳунармандчилиги асарлари, айниқса, уста дурадгор Машрабхон Каримовнинг моҳир қўлларида сайқал топган бешик-беланчаклар, Муҳаббат Атоеванинг гўзал зардўзлик асарлари барчанинг қинакам ҳайратига сабаб бўлди. Ўн йил ичида вилоятда бунёд этилган замонавий биноларни суратларда кўриб, кўзингиз қувнайди. Ростдан ҳам, бир замонлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган заминнинг бу қадар гўзаллашуви киши ақлини шошириб қўяди. Фестивалда кўп бор таъкидланганидек, бу ерда юртимизнинг турли вилоятларидан кўчиб келган минглаб одамлар ўз тақдирини яратишмоқда. Уларнинг қалбида битта мақсад ҳукмрон: шу сахий заминда яшамоқ, меҳнат қилмоқ ва азиз Ватанимиз қудратига қудрат қўшмоқликдир.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган ушбу фестивални республика Бош вазири ўринбосари Т.Холтоев очди.

— Бугунги ва эртанги куннинг қадрига етиш учун кечаги кун сабоқларини ёддан чиқармаслик керак, — дейди сирдарёлик косиб Ҳабибулло Мамажонов. — Бир нарсани аниқ айтишим мумкин. Мен озодлигимиз берган неъматларнинг бирортасини ҳеч қандай хазинага алмашмайман! Юртим озод бўлгани, менинг Инсон бўлганим мен учун энг бебаҳо бойлик!

Ҳа, бугун ҳар бир сирдарёлик эзгулик ҳақида гапиради. Меҳнатнинг ичида юради-ю, «Ўзбекистонимиз учун ишлаяпмиз» дейди. Аслида, бундай каломни айтиш учун ҳам одамнинг кўнгли тоза бўлиши керак. Шу боис ҳам, бугун уларнинг дастурхони тўкин, оиласи тинч, замини обод.

Ф.САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳа.
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, МАГИСТРЛАР!

Кеча республикамизнинг 25 та йирик олий ўқув юртида ўқишни муваффақиятли якунлаган 1800 дан кўпроқ талабага тантанали равишда магистрлик дипломлари ҳамда кўкрак нишонлари топширилди. Бу воқеа мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида юз берганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бакалаврлик, магистрлик каби олий таълимнинг халқаро андозалардаги босқичлари Ватанимиз таълим соҳасига мустақиллик туфайли кириб келди. Илк магистрларнинг дипломлари — Истиқлолимиз тўйига ўзига хос тўёналардир.

Газетамиз мухбирлари шу муносабат билан республикамиз пойтахтидаги бир неча олий ўқув юртларида бўлиб, олам-олам таассуротлар билан қайтдилар.

Эрталаб соат 8.00 даноқ Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бош ўқув биноси майдони профессор-ўқитувчилар, мамлакатимизнинг биринчи магистрлари ҳамда уларнинг ота-оналари билан гавжумлашди. Давлатимизнинг жарангдор мадҳияси янграб, институтнинг иқтидорли магистрлари Алишер Тоиров ва Рухсора Насриддиновалар Ўзбекистон байроғини кўтардилар. Бу йил илк маротаба 12 мутахассислик бўйича институтнинг магистратура бўлимини битириб чиқаётган 81 нафар талаба майдонда саф тортди. Уларга мустақил диёримизнинг илк магистрлик давлат дипломлари ва «Ўзбекистон магистри» кўкрак нишонлари топширилди.

Ушбу тантанали маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими М. Ҳожиматов, республика олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С. Гуломов, «Ўзбек ипаги» ассоциацияси раисининг ўринбосари И. Анорқулова, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари В. Дьячков, «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Д. Муҳамедова, институт васийлик ва кузатув кенгашининг аъзоси, «Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Ў. Акбаров ҳамда Яккасарой тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Насимовлар илк магистрларни чин дилдан қутладилар. Магистрларга эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг улар XXI аср магистрларининг илк битирувчилари сифатида тантанали қасамёд қабул қилдилар. Энди уларнинг олдида тўқимачилик ва енгил саноат, пахта ва матбаа саноатидаги қатор муаммоларни ҳал этиш, чет эл сармоялари ҳамда замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, энг муҳими эса, Ватан тараққиётига муносиб хизмат қилишдек улкан вазифалар турибди.

Ғофур ЖАБИЕВ.

* * *

Эндигина қанот чиқариб, илк парвозга шайланаётган қалдирғоч палапонини қузатганмисиз? Унга ҳадик ҳамда меҳр билан боқиб турган она қалдирғочничи? Тошкент Электротехника алоқа институти ҳовлисига кириб бораркансиз, юқоридаги манзара кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

Бугун бу ерда кўпгина олийгоҳларда бўлгани каби илк магистрларга диплом ҳамда кўкрак нишонларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққан институт ректори Содиқжон Қосимов ўз шогирдларини ҳаётларида унутилмас бўлган ушбу кун билан самимий қутлади ва Президент Ислом Каримовнинг «Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига» йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми бошланди. 7 та ихтисослик бўйича 74 нафар магистрант ўз мутахассислик

Газетамизнинг суратқаш мухбири Н. Муҳаммаджонов олган ушбу суратларда Тошкент Давлат молия институтида 6 июл куни биринчи магистрларга дипломлар топшириш маросимидан айрим лавҳалар акс этган.

Бу олий таълим даргоҳини 85 нафар магистр илк марта битириб чиқмоқда. Улар ҳимоя қилган магистрлик диссертацияларининг 40 фоиздан ортиқроғи кичик ва ўрта бизнес муаммоларини ҳал этишга бағишланган. «Давлат молиясини бошқариш» гуруҳи магистрантлари Ж. Сиддиқов, Н. Тўлаганова, У Мирзаевлар устозлари — академик М. Шарифхўжаев, профессор З. Йўлдошев, доцент З. Сирожиддиноваларнинг илмий раҳбарлигида дастлабки ўқув қўлланмаларини яратишга муваффақ бўлдилар. Газета-журналларда илк молиячи магистрларнинг 30 дан кўпроқ қизиқарли мақолалари эълон қилинди. Г. Ергашбоева, О. Галак, М. Жумабоева, О. Типикина каби магистрлар ўз диссертацияларини инглиз тилида ёзиб, қойиллатиб ҳимоя қилдилар. Ўнлаб магистрларнинг илмий изланишларда қўлга киритган ютуқлари банк амалиётига, ташкилотлар, корхоналарнинг иқтисодий фаолиятига жорий этилди... Бундай магистрларни етиштирган институт профессор-ўқитувчилар жамоаси ҳар қанча ғурурлансалар арзийди.

6 июл куни Молия институтининг магистратура факультети бағрида қалдирғоч битирувчиларга дипломлар ва кўкрак нишонлари топшириш маросимига эришилган бундай ютуқлар алоҳида шукуҳ бағишлаб турди.

Тантанали маросим очиқ деб эълон қилингач, илк магистрлар, унда қатнашган педагоглар, ота-оналар ва бошқа меҳмонлар қўлларини кўксиларига қўйганларича, майдон узра мардонавор оҳангларда жаранглаган Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясини ҳаяжон оғушида тингладилар.

Институт ректори, академик М. Шарифхўжаев томонидан ўқиб эшиттирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига» табриги бу тантанага кўтаринки бир сурур бағишлади.

Шундан кейин илк магистрантлар йиғилганларнинг олқишлари остида бирин-кетин ўртага чиқиб, дипломлар ва кўкрак нишонларини қабул қилиб олдилар.

Молия соҳасидаги турли йўналишларда олий касб мутахассислигини эгаллаб, ҳаётга йўлланма олган магистрларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ўқув юртлари бошқармаси бошлиги Б. Раҳимов, ота-оналар номидан Э. Сейтхалилов, О. Ткачёвалар самимий муборакбод этдилар.

Битирувчи магистрлар Юртбошимиз Ислом Каримов номига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Михли САФАРОВ.

дипломи ҳамда кўкрак нишонларини қабул қилиб олдилар.

— Мен бундай қутлуғ кунга етганимга Оллоҳга минг бора шукур қиламан, — деди ўз қувончини бизга ошкор этган магистр Азизбек Ҳаитов. — Сабоқ берган устозларимиз, ота-онамиз, Юртбошимизнинг бизга билдирган юксак ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Келажакда ўз ихтисосим бўйича етук мутахассис бўлиб, соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшишни ўз олдимга вазифа қилиб қўйдим. Бунга эришишга сўз бераман.

Шунингдек, ота-оналар номидан сўзга чиққан Суннатулла Сарваров ҳам биринчи магистрларни чин кўнгилдан самимий қутлади.

— Биз ота-оналар сиздек фарзандларимиз борлигидан фахрланамиз. Юртнинг дуосини олган, устозларнинг, ота-онанинг оқ фотиҳасини олган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Иқболингиз бутун, толеингиз порлоқ бўлсин.

Хуллас, илк қалдирғочлар бугун ўз орзу ва мақсадлари сари дадил қанот қоқиб учиб кетишди. Илоҳим парвозлари бехатар бўлсин!

Наргиза РАҲМАТОВА.

* * *

Икки йиллик магистратура билимини олган Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг илк 66 нафар магистрига кеча магистрлик дипломи ва кўкрак нишонлари топширилди. Университет проректори Дилором Бобожонова куни кеча Юртбошимизнинг «Магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг илк битирувчиларига» йўллаган табригини ўқиб бераркан, ёнимда турган аёлнинг кўзлари ёшланганини сездим.

— «Яхши ният билан парвариш қилинган дарахтнинг дастлабки меваси ҳамиша тотли бўлади», дебдилар Юртбошимиз. Мен ҳам тўнғич қизимнинг эришган илк муваффақияти — магистрлик дипломи билан қутлай деб келгандим, — дейди ҳаяжон ила Назира Қўчқорова. — Она учун бу катта бахт. Қизимни ишлашга университетнинг ўзида олиб қолишди. Бу магистрант-мутахассисларга талаб, эҳтиёж катта дегани-да.

Магистрлик дипломи ва мустақил Ўзбекистоннинг кўрса кўз қувнайдиган «Ўзбекистон магистри» деган ёзув битилган кўкрак нишонини олган ёшлар, айниқса, магистратурани аъло баҳоларга битиргани учун магистрлик либосини кийган йигит-қизлар азиз устозлари, ота-оналари олдида қасамёд қилишганда маросимга келган ёш талабаларнинг уларга чунонан ҳаваслари келдики...

Университет талабаларидан Динорахон, Башоратхон Тамиллахонлар ўз дил миннатдорчиликларини инглиз, француз, немис тилларида билдиришгани уларнинг ўз мутахассисликларини нечоғли чуқур эгаллаганликларидан далолат берди.

— Одатда биринчи бўлиш қийин кечади, дейишади. Менимча қийин эмас, — дейди бухоролик магистр Феруз Файзуллаев. — Биринчи бўлиш фахрли. Ҳозир мен ўзимда шу фахрни туйиб турибман. Биринчи бўлиш фахри, шукуҳи ҳар бир магистрантга ҳам насиб этсин.

Умида ФАЙЗИЕВА.

КЎНГЛИНГ ТЎҚ БЎЛСИН, ҚОРАҚАЛПОҒИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сув — ҳаёт манбаи. Бу қанотли ибора Қорақалпоғистонда жудаям ўринли янграйди. Шу ўринда XIX асрда Бердақ битган мана бу сатрларга эътиборингизни қаратамиз:

Сув келмади кўк чиқса ҳам,
Ташна қушлар чарх урган дам,
Чиғирда йўқ бир томчи нам,
Анҳор қуриб қолди бу йил.

Ҳа, Бердақ табиат қийинчиликларидан нола қилиб бу сатрларни битган бўлса, бизнинг давримизда оҳ-фиғон қилишга ҳожат йўқ. Негаки, қорақалпоқ деҳқони ёлғиз эмас. Улар мамлакатимиз ҳукумати ва халқининг ҳар томонлама кўмагини сезиб туришибди. Тўғри, табиатнинг синови қаттиқ бўляпти. Лекин бу замин аҳолисининг иродаси ундан-да бардошли.

Албатта, ҳол-аҳвол сўрагани келган одам аввало кўнгилни кўтарувчи сўзи билан мадад бўлади, қолаверса, ўз имконияти даражасида ёрдам беришга ҳаракат қилади. Гап ўша ёрдамнинг ҳажми, баҳосида эмас. Муҳими, кўнгил бирлигини ифода этувчи бу нарсалар қорақалпоқ биродарларимизга руҳий мадад бўлса, меҳнат ғалабаларига элтувчи кўтаринки кайфият бағишласа бас.

Нукус аэропортидан тўғри Тахтакўпир туманига йўл олдик. Қорақалпоғистоннинг энг шимолий ҳудуди саналмиш бу туманда сувсизликдан азият чекилаётгани яққол кўзга ташланиб турибди. Йўл бўйлаб ўтган Қизкетган канали суви Тахтакўпирга жуда оз миқдорда етиб боради. Бир вақтлар йилига 65 минг тоннагача шоли етиштирилиб келган бу туманда жорий йилда шоли экилмади. 2563 гектар далага сепилган буғдой сувсизликдан қуврab қолди. Деҳқонлар 2019 гектар майдонда гўза ўстиряптилар.

— Бугунгача бир марта сув ичмаган далаларимиз бор, — дейди туман ҳокими Тотлимурод Отамуродов. — Тезроқ бу майдонларни сувлаб олсак кўнглимиз жойига тушарди.

Умид ва ишонч тахтакўпирлик деҳқоннинг дилига чўғ солмоқда. Мутахассисларнинг айтишларича, бу ердаги ғўзалар ривожи Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудларидагидан яхши. Нима ҳисобига дейсизми? Биринчи навбатда алмашлаб экишни оқилона йўлга қўйиш ҳисобидан. Ўтган йили беда етиштирилган аксарият далаларда бу йил ғўза ўстириляпти. Айни пайтда маъданли ва маҳаллий ўғитлар нисбатининг мақбул меъёрини

Таниқли шоира Гулистон Матёқубова мактаб жамоасига ўз дастхати билан китоблар топширмоқда.

таъминлаш ҳисобига ерда нам сақлаш чоралари кўриляпти.

6-мактаб ҳовлисига кириб борганимизда бизни 10 ёшга тўлган ўттиз чоғлиқ ўқувчи «Ассалому алайкум» дея кутиб олди. Булар мустақиллик тенгдошлари. Қаранг, уларга тикилиб туриб истиқлолимиз қанчалик улғайиб қолганлигини ҳис этиш мумкин. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири А.Усмонов болакайларнинг ҳар бирига таҳририят маблағи ҳисобидан олиб келинган 4-синф учун дарсликлар тўплами ва кийим-кечакларни топширди.

Болаларнинг юз-кўзларидаги қувонч уларнинг муаллимлари, ота-оналарига кўчади.

— Баъзан шундай бўлади, — дейди мактаб ўқувчилари ота-оналари номидан сўз олган Боймурод Отамуродов. — Инсон кутилмаганда яхшилик кўрса, ўша кишига миннатдорчилик учун оғиз жуфтлаганда фақат «раҳмат» деган сўз ёдингизга келади. Ҳаяжондан дилингизга тугиб қўйган фикрларни баён қила олмайсиз. Бугун ҳам шундай бўлди. Биз бу ерга журналистлар билан учрашамиз, деб келгандик холос. Сизлар келтирган кийим-кечагу дарсликларни, кўриб минг марта раҳмат айтишдан бошқа сўз тополмаяпмиз.

Дилфуза Абдуллаева бу йил 4-синфга боради. У ҳам ўн ёшда —Мустақиллигимиз тенгдоши. Яна бир томони Дилфуза айнан 1 сентябр куни таваллуд топган, Қурбонназарова Ойсанам эса 2 сентябрда туғилган. Шеър ёзади. «Мустақиллик байрами», «Шоирнинг 60 йиллиги» номли машқларини равон ўқиб берганда беихтиёр олқишлар ёғилди. Онаси Олтиной опа жажжи қизалоғининг тошкентлик меҳмонлар олдида бийрон-бийрон шеър ўқишидан фахрда.

Кутубхонадаги мулоқот янада таъсирчан бўлди. Негаки, бу масқан чин маънода зиё таралаётган жой эди. «Китоб — ақл чироғи, ўқувчининг ўртоғи» деб ёзилган битикка кўзимиз тушади. Бу ерда журналистлар номидан келтирилган китоблар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жавонини ташкил этди. «Биз энди мазкур мактаб билан доимий алоқа ўрнатамиз» деган сўзлар янграганда кутубхонани олқишлар чулғади.

Болалар ҳам қараб туришмади. Кичик концерт дастурини намойиш этишди. Биз нинг эътиборимизни ўзига тортган ҳолат шу бўлдики, аксарият болаларнинг кўнгироқдай овози ноёб истеъдоддан дарак бераради. Ажабо, бу ерда бир сир борми, бир мактабда шунча иқтидор? Саволимизга жавоб топдик: бу тупроқ азалдан санъат соҳасидаги истеъдодларни йўргаклаб келган.

Қорақалпоғистондаги ишларнинг бориши билан танишар эканмиз, Президентимизнинг 2000 йил 20 октябрида пахтачилик масалалари муҳокамасига бағишланган анжуманда «Иқлимимиз ўзгариб бораётгани, шуни ҳисобга олайлик» деган гапларини эсладик. Ҳақиқатан ҳам, табиатнинг ўзгариши ортиқча шовқин-суронга берилишни эмас, балки оқилона ечимлар излашни талаб қилади. Ахир дунёнинг нене мамлакатлари сувсизлик шароитида мақбул қарорларни қабул қилишяпти-ку?!

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси Темур Камолов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди. У киши бундай қийинчиликлардан саросимага тушмай босиқлик, вазминлик билан ислоҳотлар татбиқ этилаётганини гапириб берди.

Пўлат оловда тобланганидек асл дўстлик, қон-қариндошлик ана шундай синов дамларида билинар экан. Барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳукумат қарори эълон қилинган дастлабки соатлардан бошлаб Қорақалпоғистонга ёрдам қўлини чўздилар, ҳиммат ва хайр-саховат намуналарини кўрсатдилар. Энг аввало, қурғоқчиликдан кўпроқ азият чеккан аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Оролбўйи аҳлини қийин дамларда қўллаб-қувватлашда водийликлар ўзига хос ибрат кўрсатдилар. Фарғона вилояти меҳнаткашлари биринчилардан бўлиб Қорақалпоғистонга 17 миллион сўмлик мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак жўнатдилар. Андижон, Наманган, Сурхондарё, Жиззах ва бошқа қатор вилоятлар кўрсатган ёрдам ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. «Ўзавтойўл», «Ўзқурилишматериаллари» давлат концернлари, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари катта кўмак бердилар. Биргина Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари учун 200 миллион сўмлик компьютер жиҳозлари ажратди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудида Элликқалъа туманидаги «Орол болалари» соғломлаштириш марказидаги учрашув ниҳоятда ҳаяжонли ўтди. Таҳририят номидан аъло билими ва намунали хулқи учун бир гуруҳ ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Мулоқот оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган болалар ижросидаги давлат мадҳиясидан бошланган бўлса, барчамизга ёд бўлиб кетган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» қўшиғи билан якунланди. Соғломлаштириш марказида Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан ўқувчилар дам олишмоқда. Уларнинг ота-оналари ўз фарзандлари саломатлигидан кўнгиллари тўқ бўлишлари мумкин.

Ҳа, бугун ҳар бир қорақалпоғистонлик бутун мамлакат эътиборини юракдан ҳис қилмоқда. Демак, 2001 хўжалик йили кўнгилларни қувонтирувчи натижа беради. Шунинг учун биз қорақалпоқ заминидан қўшни Хоразм вилоятига умидбахш кайфиятлар билан йўл олдик. Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонида хабар қиламиз.

Ш.ЖАББОРОВ, О.РАЖАБОВ, Н.СОБИРОВ, Я.ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи»нинг махсус мухбирлари.
Ўразбой КЕЛИМБЕТОВ олган суратлар

Халқаро Олимпиада

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВЧИЛАРИ — ҒОЛИБ

Халқаро микёсда алоқа воситаси сифатида эътироф этилган олтита тил ичида рус тили ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг Халқаро ассоциацияси халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашда муносиб ўрин тутади. Мазкур ассоциация ташаббуси билан ҳар уч йилда Москва шаҳрида хорижий давлатларда ўқиётган ўқувчилар ўртасида рус тили бўйича Халқаро олимпиада ўтказилади.

2001 йил 25 июн-1 июл кунлари Москва шаҳридаги А.С. Пушкин номидаги Рус тили давлат институтида навбатдаги 10-Халқаро олимпиада ўтказилди. Унда 41 та давлатдан 260 нафар ўқувчи иштирок этди.

Фарғона шаҳридаги 2-мактаб битирувчиси Гуландом Юсупова, Тошкент шаҳридаги 116-мактаб битирувчиси Елена Калинина, Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназиясининг 9-синф ўқувчилари Гулисанам Каримова ва Пўлат Солиҳовлар ўз гуруҳларида ғолиб чиқиб, олтин медал соҳиблари бўлишди. Мазкур гимназиянинг 9-синф ўқувчиларидан яна бири Фурқат Полвонзода бронза медалига сазовор бўлди.

Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р. Жўраев ғолиблар билан учрашиб, уларни муваффақият билан табриклади.

Ўқувчиларнинг улкан муваффақиятида устозлари — педагогика фанлари номзоди, доцент Санъат Исломбекова, гимназия ўқитувчилари Гули Харратова ва Турсуной Ҳуснидинова, Фарғона шаҳридаги 2-мактаб ўқитувчиси Маргарита Ким, Тошкент шаҳридаги 166-мактаб ўқитувчиси Галина Ивановаларнинг хизматлари беқиёсдир. Уларга «Халқ таълими аълочиси» унвони берилди.

Юқори даражадаги Халқаро Олимпиадада ўзбекнинг ўғил-қизлари яна бир бор Ўзбекистон номини кўкларга кўтардилар.

Баҳром ҚУВВАТОВ.

Ҳуқуқий чорраҳа

Имконият эшикларини очинг

Суд жамиятимиз ҳаётида қонунни ҳимоя қиладиган, унинг ижросини таъминлайдиган учинчи ҳокимият ҳисобланади. Ана шу ҳокимиятнинг тўлақонли ва инсонпарварлик ғояларига таяниб фаолият юритиши жамият осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашга тўғридан-тўғри хизмат қилади.

Юртбошимиз судлар фуқароларнинг тасаввурида фақат жазоловчи идора эмас, балки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоячиси бўлиши кераклигини ҳамиша таъкидлаб келмоқда. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясида ҳам Юртбошимиз иқтисодий соҳадаги жиноятларни судларда кўриш чоғида инсонпарварлик нуқтаи назарига амал қилишликни, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган шароитда кишиларга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни таклиф этгандилар.

Бундай кўрсатма ва таклиф ҳозирги кунда судлар фаолияти учун маънавий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ҳолатнинг ўзиёқ Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг тобора мустаҳкам илдиз отиб бораётганлигига ёрқин бир далилдир. Айни кунларда судларда иқтисодий соҳада жиноят содир этган кишиларга нисбатан жазо тайинлашда энг инсонпарварлик туйғуларидан келиб чиқиб муносабатда бўлинмоқда.

Ҳар бир киши ҳаётда баъзан билиб, баъзан эса билмай жиноятга қўл уради. Вақт ўтиши билан у ўз қилмишига чин дилдан пушаймон бўлади. Бундай кишиларни қамоқда сақлаш чиндан ҳам шартмикин? Ахир улар тузалишга, иккинчи бор жиноят содир этмасликка мойил шахслардир. Қолаверса, қамоқхона кишиларни қайта тарбиялайдиган, уларни соғлом ҳаётга қайтарадиган яккаю ягона муассаса ҳисобланмайди. Юртбошимиз айнан мана шу ҳолатларни ҳисобга олганлиги бугунги кунда барчага аён бўлиб турибди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди, туман ва шаҳар судлари томонидан иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этган кўплаб шахсларнинг ишлари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Ўнлаб кишилар бугунги кунда қамоқдан озод этилдилар. Кўплаб кишиларга эса қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилмоқда.

Мана бир неча мисол: вилоят суди томонидан Ж.Эгамбердиев ва бошқаларнинг жиноят иши қайта кўриб чиқилди. Улар жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми ва бошқа моддалари билан айбланган эдилар. Оқолтин туманидаги Собиржон Сиддиқов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг 1998 йил пахта ҳосили бўйича кўрган жами 15 миллион сўмдан ортиқроқ моддий зарар судланувчиларнинг қариндош-уруғлари томонидан тўлиқ қопланди. Суд ана шу ҳолатни эътиборга олиб, А.Маҳкамов, М.Расулов, Ю.Оқилхўжаевларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, уларни қамоқдан озод этди. Икки нафар судланувчи О.Йўляхшиев ва Ш. Шаймановлар суд залидан озод этилди. Қолган гуруҳ аъзолариga ҳам қонунда кўзда тутилгандан жуда кам бўлган жазо чоралари қўлланилди.

Вилоят суди томонидан А.Нуриддинов, Р.Раҳмонов, Ж.Холиқов, Н.Ғофуров, Ҳ.Мўминовлар содир этган жиноят иши батафсил кўриб чиқилди. Айбдорларнинг астойдил изҳор этган пушаймони ва кўрилган зарар тўлиқ қопланганлиги судда инобатга олинди. Оқибатда судланувчилар суд залининг ўзиданоқ озодликка чиқарилди.

Жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман суди томонидан Ш.Эшимов ва унинг олти нафар шериклари иши қайтадан кўриб чиқилди. Етказилган 12 миллион зарар нақд пул, яроқли эҳтиёт қисмлар ва моддий бойликлар билан қопланганлиги эътиборга олиниб, уларга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Шунингдек, Гулистон туман судининг шу йилнинг 25 феврал кунида судланган фуқаро Б.Қўзибоевга нисбатан чиқарган ҳукми ҳам енгил жазо билан алмаштирилди. Бундай мисолларни ҳали кўплаб келтириш мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди бўйича 3 миллион сўм, Шароф Рашидов туман суди бўйича 2 миллион 354 минг сўм, Сайхунобод туман суди бўйича 500 минг сўмдан кўпроқ, Оқолтин туман суди бўйича 1,5 миллион сўмга яқин моддий зарарлар тўлиқ ундирилиб, давлат бюджетига ўтказилди.

Гап аслида фақат давлатга етказилган моддий зарарларнинг қопланиши ва уларнинг миқдори тўғрисида эмас. Гап шафқат ва инсонпарварлик ғояларига амал қилиниб, кўплаб кишиларнинг осуда ҳаётига, оиласи бағрига қайтаётганлигидадир.

Ҳозирги кунда юқорида таъкидлаб ўтилган ишлар билан бир қаторда Президентимизнинг шу йилнинг 5 июнидаги «Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналарида «маҳбуслар шароитини ўрганиш бўйича» чиқарган фармойишига асосан Сирдарё вилоят суди томонидани кўплаб шахсларга, жумладан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, хотин-қизларга, балоғат ёшига етмаганлар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш масаласи қайта кўриб чиқилаяпти. Ана шу фаолият натижасида фақат июн ойининг ўзида 150 нафар шахс ҳибсхоналардан озод этилди ва бу жараён яна давом этмоқда.

Ҳар бир инсон ўзига билдирилган ишончни, ўзига кўрсатилган шафқат ва марҳаматни чин юракдан ҳис этмоғи керак. Айбига пушаймон бўлган ва бу гўзал ҳаёт ўзига фақат бир маротаба инъом этилишини юракдан астойдил ҳис этган кишиғина иккинчи бор жиноят кўчасига қадам қўймайди. Адолат ва шафқат мевасини тоттан инсоннинг келажакка бўлган ишончи янада мустаҳкамланади. Бундай шахс жамиятнинг фаол фуқаросига ва унинг яратувчисига айланади.

Ш.ҲАҚНАЗАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси.

ХАЛҚ БАНКИ

Республикамизда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига ўтишда банк тизимининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Давлат томонидан ўтказилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш кўп жиҳатдан молия муассасалари фаолияти билан боғлиқдир. Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидланганидек, мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маънавий ва маданий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга оширишга кучли эътибор қаратиш лозимлиги, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлганларга, етим болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш керaклиги Президентимиз томонидан белгилаб берилди. Ҳозир Халқ банкининг республика туман ва шаҳарларидаги 6 мингдан ортиқ муассасалари томонидан аҳоли ва юридик ташкилотларга 80 дан зиёд турдаги кенг кўламли банк хизматлари кўрсатиш билан бир қаторда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан бир талай тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги, 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари, кўп болали оилаларга «Болалар» нафақалари ҳамда қарамоғида 2 ёшгача болали оналарга белгиланган нафақаларнинг Халқ банки муассасалари орқали берилишининг яхши йўлга қўйилганлигини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишнинг исботи деб айтиш мумкин.

Биргина 2001 йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида кам таъминланган оилалардан 338840 нафарига 1267,4 миллион сўм, 4450071 нафар оилага 14466,7 миллион сўм миқдорида «Болалар»

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига

НИГОҲИНГНИ ОЛИСЛАРГА ТИК

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳар томонлама тараққий этмоқда. Қуч-қудратига ишонамиз. Бундан ташқари, иқтисодий таназзул қўрқуви ўрнини энди ишонч эгаллади. Оғир, синовли паллалардан омон-эсон ўтиб олдик. Ғанимлар куйди, дўстларимиз суюнди. Юртимиздаги юксалишни ёш боладан сўрасангиз айтади: «Ўтган йили туманимизда, анови бино қурилди, қаранг, деворлари ойнадан, манови боғ қурилди, қишлоғимизга у етиб келди, бу етиб келди...» дейди. Республикамизда шундай қишлоқлар бесаноқ.

Агар катта ва гўзал шаҳарларимиз қиёфасига назар ташласангиз яққол намоён бўлади — озодликдан сўнг қанчалик ободончиликка эришдик. Ўтган йили Тошкентнинг бир даҳасидан ўтган одам бугун шу жойда замонавий бир иморатнинг қад ростлаганини кўради. Водийга боринг, воҳани кўринг, битта хулосага келасиз — Ўзбекистон кунма-кун ўзгармоқда. Жаҳон ичра бир жаҳонга айланмоқда.

Буни кўриш, англаш, тушуниш, бундан фахрланиш, эртанги авлодларда томири мустаҳкам озодлик дарахти парвариш этилаётганини ҳис қилиш эса юракни кенгайтиради, шуурни тозартиради, ай, илкингга куч югургандай бўлади.

Истиқлол юртни обод қилиш билан бирга инсон онгида ҳам ўзгариш, ўсиш пайдо қилди — бу муҳим мезон.

Дунёнинг катта давлатларидан камимиз йўқ. Худога шукр, ўн йилда шу хулосага келдик. 20 йил, 30 йилдан сўнг кўрамиз (ўша кунларни кўриш ҳаммамизга насиб қилсин), цивилизациянинг елкасига қоқиб турамиз.

Бугун дунёнинг зўр-зўр давлатлари биз билан «Ассалому-алайкум» қилиб турибди — жаҳоннинг ишончини оқладик ва яна билиндики, бизнинг еримиз устида ҳам, еримиз остида ҳам жаҳон манфаатига дахлдор, жаҳон тараққиётида салмоғи бор бойликларимиз бисёр.

Гапнинг шу жойида бир фикр келди; албатта, улкан халқлар, улкан мамлакатлар билан дўст бўлиш, фикрлашиш, елкадош туришнинг ўзи бўлмайди. Дунё бизга дарвозаларини кенг очди. Дунёнинг ҳам ўзига яраша йўриқлари бор. Очиқ дарвозалардан ўтаётган шу йўриқлар бизга мосми — шуни англаб олишимиз, уларга юрагимиздан ўтган илдизимизга таянган ҳолда муносабатда бўлишимиз кераклигини ҳар дақиқа ёдда сақлашимиз керак.

Бизда қадимдан ҳам, бугун ҳам, эртага ҳам сақланиб қоладиган ва ҳаёт қадар давомли бир улуғ туйғу бор — етти пуштингни англа, эъзозла деган. Агар бирор ўғил-қиз ҳақида гап кетса палаги тоза эди, отаси яхши одам, онаси тарбияли оиладан, боболари дарёдай оққан, элнинг назарида эдилар, деб таърифлашади. Ота тарбиясини кўриб, ота-она бағрида улғайган фарзанднинг кўп ўтиб оиласида осойишталик тайин бўлади, ўғил қизи тарбияли бўлади.

Бунинг ҳаммаси оиланинг муқаддас саналишидан...

Оила жамиятнинг бир бўлаги, жамият ичида бир жамият эканлигидан.

Оиланинг бутлиги жамиятнинг ҳам бутунлиги деган хулоса бу!

Биз бугун бекорга соғлом авлод, баркамол келажак, она ва бола, деб қайғурмаяпмиз. Барчасининг замирида оила мукамаллиги ётибди, жамият соғломлиги назарда тутилган. Қадимий илдизимизга туташ бу тушунча давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Айрим давлатларда ота-она чақалоқнинг қўлидан эмизик тушиб кетса... олиб бермайдилар. Гўёки, боланинг мустақил ўсишига халал беради бу... Шунда болакай бош бармоғини сўришга мажбур бўлади. Фандаги кузатувларга қараганда, ҳозирги кунда кўпчилик америкалик ўсмирлар дарсда, кўча-кўйда ҳаяжонланса ёки аччиқланса, бош бармоғини сўра бошлайдилар.

Бизда чақалоқ онанинг бағридан тушмайди — она сутини эмиб улғаяди, доимо меҳр ва ардоқда бўлади. Она сути орқали нафақат қувват, балки онанинг дунёқараши, фаҳми, диди, ақли — тарбиясидан баҳраманд бўлади. Қайси бир манбадан ўқиганим бор: машҳур мусиқачи ўсмирлигида бир куйни чалади... Буни эшитиб ошхонадаги онаси тахта бўлиб қотиб қолади. «Бу қанақа куй?», — сўрайди она. «Билмадим, хаёлимда айланаяпти... бу куйни кашф қилдим, чоғи», — дейди бўлажак мусиқачи. «Йўқ, бу куйни сен кашф қилмадинг... Ҳар тонг сени эмизаётганимда... хув анови хонадон деразасидан худди шу куй оқиб келарди... Сен ҳозир худди ўшандагидай қилиб руҳиятимни сеҳрлаяпсан», — деди она. Демак, оҳанг, сеҳр она сути орқали болага ўтган.

Кўринадики, инсон заковати улуғлигида оила, ота-онанинг қалб ҳарорати энг буюк восита бўлиб қолади. Демак, барча эзгу ҳислар, туйғулар, ёруғ қарашлар билан тарбия топган инсоннинг келажаги чўққилар монанд юксак бўлади. Авлодларга яхшилик ва оқибатдан сабоқ беришига чоғланган жамиятнинг бағрида етук шахслар улғаяди, қаҳрамонлар, ватанпарварлар етишиб чиқади. Яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Боболаримиз айтган, маърифат чўғини сачратган гаплар ҳақ — тарбия биз учун ҳаёт, мамот масаласи.

Нигоҳни олисларга тикинг. Асримизнинг турли-туман, яхши-ёмон, бизга мос ва ножоиз кўринишларда турланаётганини сезасиз. Бироқ, бу чархи-дунда ўзлигимизни асраган ҳолда тараққиёт, фан уммонига ҳеч қачон қуримас дарё бўлиб қуйилгувчи халқ бўлиб қоламиз.

Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 25 июндан 30 июнгача бўлган маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 20 июндаги 55-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2001-43-сон* «Ўзбекистон Республикаси автомобиллар тўхташ жойларида автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) ҳуқуқи учун қатъий белгиланган солиқ ва бир марталик йиғим тўлаш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *қарори.*

2001 йил 26 июнда 827-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 6 июлдан кучга киради).

2. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 19 июндаги 54-сон* «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлик ҳисоби миллий стандарти (7-сон БХМС) «Номоддий активлар»ни тасдиқлаш тўғрисида» *буйруғи.*

2001 йил 29 июнда 506-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 9 июлдан кучга киради).

3. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 19 июндаги 53-сон* «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлик ҳисоби миллий стандарти (21-сон БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *буйруғи.*

2001 йил 29 июнда 930-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 9 июлдан кучга киради).

4. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2001 йил 23 июндаги 14/22-сон* «Ҳисобрақамлар очиш, мижозлар ҳисобрақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *қарори.*

2001 йил 30 июнда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 10 июлдан кучга киради).

5. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 31 майдаги 49-сон* «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (24-сон АФМС) «Молия ҳисоботида хатолар аниқланганда аудиторлик ташкилотининг ҳаракатлари»ни тасдиқлаш тўғрисида» *буйруғи.*

2001 йил 30 июнда 1045-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 10 июлдан кучга киради).

6. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация марказининг 2001 йил 21 июндаги 152-сон, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2001 йил 21 июндаги 01/276-сон* «Шаҳар йўловчи транспорти хизматларини сертификациялаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *қарори.*

2001 йил 30 июнда 950-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2001 йил 10 июлдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. *Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг* «Ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр рақамларини бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» қарори.

2. Фойдаланилган электр энергияси учун аҳоли билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича йўриқнома. *Ўздавэнергоназорат томонидан тақдим этилган.*

Тақдим этилган ҳужжатда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки у меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

III. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг* «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *қарори.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг* «Хатлов жараёнида аниқланган камомад ва ортиқча мол-мулкларнинг бухгалтерлик ҳисоби ҳамда уларга солиқ солиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори.

3. Техник иқтисодий асослар, қурилиш лойиҳалари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *«Даврархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

4. Ўзбекистон Республикаси газ хўжаликлари хавфсизлиги қоидалари. *«Саноатконтехназорат» агентлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Техник қурилмаларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатилиши қоидалари. (6 та ҳужжат) *«Саноатконтехназорат» агентлиги томонидан тақдим этилган.*

6. *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг* «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *қарори.*

7. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Тижорат банклари томонидан юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартибига қўшимча киритиш тўғрисида» қарори.

8. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг* «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида» қарори.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.
Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Фан тараққиёти ёшлар қўлида

XXI асрда илк маротаба Фан ва техника Давлат қўмитасида «Ўзбекистон мустақиллиги — унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати» мавзуида ўтказилган V республика илмий конференция кеча ўз ишини тугатди. Секцияларда аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлил қилинди. Мухбиримиз ўзбек илм-фани ривожида мустақилликнинг ўрни ва аҳамияти билан қизиқиб, конференция иштирокчиларига ҳозирда фанимиз олдида қандай долзарб масалалар турганлиги, янги асрда Ўзбекистон фани ва техникаси ривожида қайси омиллар муҳимлиги, унинг тараққиётида ёшларнинг ўрни хусусида суҳбатлашди.

Зокиржон САЛИМОВ, академик:

— Шуни таъкидлаш жоизки, бундан тўрт йил муқаддам таълим тизимида татбиқ этила бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳозирги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Узлуксиз таълимнинг муҳим босқичлари — аспирантура ва докторантураларда иқтидорли ёшларнинг илмий фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, «Ёввойи Австралия гўза турлари ва уларнинг биринчи авлод дурагайларининг қиёсий кариологик тадқиқотлари» мавзуида ёш тадқиқотчи З.Эрназарованинг илмий ишидаги янгилиги янги гўза навини яратиш назариясини илмий асослаб беришга бағишланган. Бу каби янгилик ҳозирги ўзбек фани тараққиётида ёшларнинг самарали изланишларидан бири, деб ўйлайман.

Акром ЙЎЛДОШЕВ, профессор:

— «Оналар ва болалар йили»да тиббиёт олдига ҳам бир қатор долзарб масалаларни қал қилиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Анжуманда республика педиатрия илмий-текшириш институти, Андижон ва II Тошкент давлат тиббиёт институтлари ёш олимларининг маърузаларида шу кундаги долзарб масала — она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда хасталикка чалинганларни энг мукаммал, хавфсиз даволаш йўналишлари ёритилди. Ҳозирги вақтда ёш олимларимизнинг илмий ишланмаларидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кенг фойдаланилмоқда.

Хожимурот КИМСАНБОЕВ, профессор:

— Президентимиз Қашқадарё вилоятида бўлганларида пахта ҳосилини зараркунандалардан сақлаш чора-тадбирларини кўриш зарурлигини таъкидлаб, олимларимиз олдига катта вазифа қўйган эдилар. Анжуманда гўза зараркунандаларини, жумладан, кўсак қурти биологияси ва экологияси, унга қарши экологик соф бўлган биологик кураш тизими устида чуқур, ҳар томонлама илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимларимизнинг тадқиқотлари бўйича маърузалар тингланди ва мутахассислар томонидан йўл-йўриқлар кўрсатилди. Фанимиз келажаги ана шундай ишончли ёшлар қўлида эканлигидан фахрланаман.

Оқил АБДУАЗИМОВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

2001/2002 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қуйидаги таълим йўналишларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

менежмент (соҳалар бўйича); бухгалтерия ҳисоби ва аудит; технологик машиналар ва жиҳозлар; автоматлаш ва бошқарув; тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси; матбаачилик; тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси; енгил саноат маҳсулотлари технологияси; касбий таълим.



Ҳужжатлар 2001 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.
Телефонлар: 53-06-06, 53-36-66, факс (3712) 52-17-36.
11-троллейбус, 32 ва 77 - автобусларнинг
«Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти» бекати.

4445

«Даврархитектқурилиш» қўмитасига қарашли республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш

БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2001 йилда қурилиши мўлжалланган қуйидаги иншоотларга ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти Бухоро вилоят филиалининг суғориладиган ерларини таъмирлаш.
2. Бухоро вилояти Ғиждувон тумани жамоа хўжаликларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.
3. Бухоро вилояти Вобкент тумани «Зарафшон» жамоа хўжалигининг суғориладиган ерларини таъмирлаш.
4. Бухоро вилояти Қоракўл тумани «Зиёрат» жамоа хўжалигининг суғориладиган ерларини таъмирлаш.

Буюртмачи: 6-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотларини танловда қатнашиш учун таклиф қилади.
Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Пудрат ташкилотлари етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий аҳволи, мулкиллиги ва бошқа моддий имкониятларга, ишончлилик, тажриба, обрўли мавқега, шартнома тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари шарт.

Танловда қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - пудрат савдолари (тендер)ларни ташкил этиш бўйича Республика бошқармасининг Бухоро вилояти филиалига 2001 йил 25 июлгача қуйидаги манзил бўйича:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй (2-қават, 18-хона)
иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.
Телефон: (8-365) 223-96-29, факс 223-97-51.

Танлов савдолари газетада эълон босилиб чиққандан 30 кун ўтгандан сўнг ўтказилади.

Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи - 15 000 сўм.

4490

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сонли

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўл компаниясининг бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ЮК ТАШИШ ДИРЕКЦИЯСИ

(ОКПО коди 14835228)

ТУГАТИЛАДИ.

Унинг негизида юридик шахс ҳуқуқисиз

Тошкент ҳудудий маркази тузилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 7-уй.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

4441

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«Мулти-медиа» маркази

Наманган муҳандислик институти профессор-ўқитувчилари янги педагогик технология «Мулти-медиа» ташкил этишди. Марказга еттита компьютер ўрнатилди.

— Умумий қиймати 6 миллион сўмга яқин замонавий техник воситалар илмга чанқоқ талабалар ихтиёрига бериб қўйилди, — деди илмий ишлар бўйича проректор Р. Муродов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу билан ёшлар хорижий тилларни эркин, мустақил равишда чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлишди.

Марказни тузишдан асосий мақсад институтимиз иқтидорли талабаларни «Умид», «Камолот», «Акселс» жамғармалари орқали халқаро миқёсдаги танловларга пухта тайёрлаш, «Интернет» тизимида чет элларга чиқиш ва тенгдошлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

АҚШнинг Мерилэнд университети профессори Жим Хенсон ва Борис Майданик ҳамда бошқа чет эллик олимлар марказ ишига ижобий баҳо беришди.

«Туркистон-пресс».
Наманган вилояти.

нафақалари ва 3121181 нафар икки ёшгача болали оналарга белгиланган 11185,0 миллион сўм жами 26919,1 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги маблағлар банк муассасалари орқали тарқатилди. Банк бўлимларида нафақаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тарқатилиши юзасидан барча чоралар кўрилган ва бу иш назорат остига олинган. Президент фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлашда Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг кўмаги жойларда сезиларли бўлмоқда. Айнан маҳаллий бюджет маблағларининг нафақалар тўланиши учун банк бўлимларига молиялаштирилиши, уларнинг нақд пул билан таъминланиши борасида катта амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Афсуски, айрим туман ва шаҳарларда ўз-ўзини бошқариш органларининг нафақалар тайинлаш, нафақалар бўйича тузилган қайдномаларнинг банк муассасаларига белгиланган муддатларда топширмаслиги, қайдномаларнинг камчиликлар билан расмийлаштирилиши, шунингдек, жойларда фуқароларнинг банк бўлимларига ўз вақтида мурожаат этмасликлари ҳолатларининг мавжудлиги белгиланган пулларнинг ўз вақтида тарқатилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада тарқатилмаган нафақалар амалдаги йўриқномалар асосида фоизсиз омонатлар бўйича ҳисоб варақаларга киритилмоқда. Шу билан бирга фоизсиз ҳисоб варақаларга киритилган маблағлар фуқароларнинг биринчи талаблари бўйича тарқатилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, бу ишни назоратга олиш борасида банк раҳбарияти ва ҳудудий муассасаларнинг мутасадди ходимлари томонидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашнинг намунали даражада ташкил этилиши масаласи ҳар бир мутасадди ходим ва раҳбарнинг бирламчи вазифасига айланган.

Жорий йилнинг 22 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори банклар раҳбарлари ва бош ҳисобчиларининг масъулиятини яна бир бор белгилаб бериб, мижозлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва нақд пулни ўз вақтида бериш, мижозларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағларни ўтказиш ва кўчиришнинг тартибига риоя этишга доир белгиланган талабларини бузганликлари учун жарима тўлаш чоралари кўрилиши, қонунбузарликларга йўл қўйган раҳбарлар ва бош ҳисобчиларнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари қайд қилиб ўтилди. Эндиликда банкнинг барча шохобчаларида иш шу асосда ташкил этилди.

Фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлган ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилиши, уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳукумат томонидан белгиланган тадбирларнинг талаб даражасида бажарилишини таъминлаш мақсадида Халқ банки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жойлардаги молия бўлимларини биргаликда ва ҳамжиҳатликда иш олиб боришга чақиради. Шу билан бирга уларни нафақалар тўлаш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олиш ва бунда кўмакдош бўлишларига ишонч билдиради.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Миллионлар ўйини

Эллик ёшли футболчилар

Улар — йигирма икки киши. Спортча ибора билан айтганда, иккита футбол жамоаси. Талабалик ва аскарлик йилларида топишган дўстлар.

Йигирма иккита бўлиб қолганлари — тасодиф. Шу тасодиф туртки бўлибми, бундан йигирма йиллар аввалги учрашувларининг бирида тарафматараф бўлиб футбол ўйнадилар. Кейин ҳам тўхтатиб қўймадилар. Шундай қилиб, дўстлар ўртасида иккита футбол жамоаси юзага келди. Жамоаларни ўзларича (норасман) «Жарқўрғон» ва «Қумқўрғон» деб атадилар.

Футбол уларнинг дўстлигини маҳкам иплар билан боғлаб қўйди. Аввал уларнинг учрашувлари омонатроқдай эди. Дастурхон бошига келиб ўтириб, дастурхон бошидан хайр-маъруза лашиб кетаверар эдилар.

Футбол жорий бўлгандан сўнг-чи? «Прогулчилик» барҳам топди. Ҳар ойнинг охирги кунларининг бирида тўпланадилар. Термизда, Тошкентда ишлаётган, яшаётганлар вақтида етиб келадилар. «Жарқўрғон» жамоаси қизил, «Қумқўрғон» жамоаси оқ кўйлак кийиб, пойабзалларнинг ипларини тортиб боғлайдилар-да, майдонга тушадилар. Ўйин ростмана стадионда ўтказилади. Икки тайм давом этади. Ҳар бир тайм 35 дақиқа қилиб белгиланади. Ўйинда ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Ким ҳимоя чизиғида ўйнайди, ким ҳужумга ўтади. Ҳаммаси аниқ.

Қор, ёмғир ёғиб турадими, 40 даражалик жазирама иссиқ бўладими — ўйин қолдирилмайди. Кимки яхши ўйнай олмаса, тез чарчаб қолса, ўз устида ишламагани, яъни соғлиғини яхшилашга қарамай қўйгани учун ҳайфсан берилади. Яхши ўйнаганларга бўлса мукофот. Етмиш дақиқа терлаб -пишиб тўп сурган дўстларнинг ўйиндан сўнг кўк чойни аччиқ дамлаб ширин суҳбат қуришларини кўринг-да.

— Дўстларнинг ўртача ёши элликда, — дейди футбол ташкилотчиларидан бири, «ЎзДавнефтгаз» инспекцияси масъул ходими Абдумажит Хидиров. — Энг пешқадам футболчиларимиз Тўлқин Зулфиқоров, Сафар Қосимов, Абдижаббор Бухорбоев, Виктор Алешничиков, Аваз Эсонов... Футбол сабаб бўлиб ўнта киши тамаки чекишни ташлади. Ким нечтаси дўхтирхонага қатнашни тўхтатди. Ўйин ойда бир марта ўтказилгани билан ўша куни ўзини кўрсатмоғи учун одам соғлиғига ҳар куни қараб боришини тушуниб қолдик-да.

— Бундан буёнги учрашувларимизга фарзандларимизни ҳам жалб этишни ўйлаб турибмиз, — дейди Жарқўрғон қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Чори Бобоқулов. — Мақсад фарзандларини ҳам яқинлаштириш. Улар ҳам тенгқурлари билан футбол ўйнасин, деймиз. Спорт билан шуғуллансин, деймиз.

... Улар майдон узра тўп суришни хуш кўрадиган, шу ишни эплаб келаётган эллик яшар навқирон йигитлар. Дўстликнинг, спортнинг, соғлом турмушнинг чинакам шайдолари.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



— Буни, ойимга бераман!

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

Биласизми?

Водийнинг Оқ ва Қора дарёлари

Виқорли тоғлар нафасини олиб келган, жаннатмакон Фарғона водийсининг гуллаб-яшнашига хизмат қилаётган Оқ бўра (Оқ сувли дарё ёки Оқ дарё), Қора бўра (Қора сувли дарё ёки Қора дарё) номлари қаердан олинганлиги, қандай пайдо бўлганлиги ва улар нима маъно англатишини кўпчилик билмаса керак. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Оқ бўра дарёси яқин ўтмишда Андижон руди деб юритилган. Хассос шоир ва саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур Оқ бўра дарёси хусусида шундай лутф қилади: «Андижон руди Ўшнинг махоллотининг ичи била ўтиб, Андижонга борур».

Яна бир гуруҳ олимлар Оқ бўранинг бўра жумласи бўғра,



яъни туя сўзидан келиб чиққанини таъкидлайдилар. Бунда улар дарё сувининг ниҳоятда оқлиги, юқоридан қуйига ўркач-ўркач бўлиб оқиб тушиши туяга ўхшатилган бўлишига эътибор қаратганлари эҳтимолдан холи эмас.

Ўз ўзанини катта Фарғона канали ҳамда Тентаксой сувлари билан тўлдириб, Қора дарё номини олган Қора бўра ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Асов ва шиддаткор Қора дарёга бир муддат тикилсангиз унинг суви Оқ бўранидан кескин фарқланишига ишонч ҳосил қиласиз. Қора дарё суви эрта баҳордан тортиб, ёз ўрталарига қадар лойқаланиб оқади. Ўзи билан бирга юз минг тонналаб шағал, қум, ҳатто йирик-йирик тошларни ҳам олиб келади.

Дарёлар қандай номда юритилмасин, водийнинг кумуш белбоғи сифатида борлиққа ҳаёт улашаверади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳажвия

ВИДЕОҚИЛИК

Халқ театрида эмакдош бўлиб ишлаганимда у-бу йиғинларда ашула айтиб юрардим. Театр тарқагач, Ширмонлида сомсапазликни касб қилдим. Нима бўлди-ю, бир куни тандир қизигунча димоғимда «Сумбула»ни ҳиргойи қилиб тургандим, бегона овоздан тилимга тугун тушди. Қарасам, қаршимда дум-думалоқ киши тарвуздай қорнини силаб турибди.

— Шундай овоз билан қора қурум ютиб юрганингизни қаранг. Биз бўлса янги овозларни тополмай жонимиз ҳалак.

— Ҳа, энди, иссиқ тандирнинг ичига кириб-чиқавергандан кейин зерикасиз, ўзингизни чалғитиш учун бир нималарни минғирлайсиз-да!

— Анчадан бери қўшиқ айтасизми?

— Шунчаки зерикканда...

— Ҳаммаси зерикишдан бошланади-да.

— Истарангиз иссиқ, лекин танимайроқ турибман.

— Вилоят телевидениесидан, Тўхлиев бўламан, — деди у чўнтак кавлаштириб. — Вақт топиб, бир ўтинг, орамиз бир қадам, — у чўнтагидан пул чиқариб узатди: — Қани, энди, заказлик жойидан бештасини...

Сахийлигим тутиб, пулини олмадим. Танлаган сомсасини ўраб бердим. Бу ишим унга хуш ёқиб, олдига ўтишимни қайта-қайта тайинлаб, жўнаб кетди.

Шундан кейин хаёл қурғур турли кўчаларга кириб-чиқди. Кўнгил, бир «бор» дейди, бир «борма» дейди. Таваккал қилиб, бир куни бордим. Мени кўрган Тўхлиев эски танишлардек хўп сўраб-суриштирди. «Шеф»га ҳам мени «Мен сизга айтган талант» дея таништирди. Бироз олди-қочди гаплардан гаплашиб ўтирдик. Бир вақт «шеф» — Каттабеков «Қани, эшитайлик» деб қолди. «Қандоқ бўларкин» деб турсам, Тўхлиев «бўл-бўл» деди. Ноилож бошладим:

— Мен бу ерда ўт ёқсам,
Фарғонада тутуни-и-й...

— Стоп, стоп! — деди Каттабеков қўлини кўтариб. — Ўзингиз ўйлаб кўринг, ука! Сиз бу ерда ўт ёқиб, сомса ёпинг, олти-етти юз чақирим нарида яшаётганлар сиз ёққан ўтнинг тутунини ҳидлаб ўтирсинми? Ахир бу инсофдан эмас-да, ука! Бу қўшиқда экология бузилган... Бундоқ, севги-муҳаббат тўғрисидаги қўшиқлардан тайёрлаб келинг, пажалиста, биз уни эфирга узатайлик, ҳамма бирдек мазза қилсин...

Мен Тўхлиевнинг имоси билан севги ҳақидаги қўшиқни Сўнг янги келинчакнинг уйидек безатилган хонага бошлаб кираркан, видеокамерани чуқилаётган йигитга им қоқди.

— Салимжон, мен сизга айтиб юрган талант келди, — деди у елкамга қоқиб, сўнг йигитга уқтирди: — Биз шефнинг олдига кириб-чиқайлик, сиз уёк-буёққа кетиб қолманг!..

Биз кириб борганда «шеф» столга бағрини берганича ялпайиб ўтирган экан. Тўхлиев бошлаб юбордим. Қўшиқнинг нақорати кўп бўлса-да, Каттабеков сабр билан тинглади ва охирида енгил қарсак ҳам чалди.

— Мана, бу бошқа гап! — деди у юмшоқлик билан. — Севги-муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар менинг жону дилим! Бу қўшиқни видеоклип қилиб эфирга узатамиз. Тахминий сценарий шундай бўлсин: бир қиз ариқними, каналними бўйида хаёл суриб, ошиғини кутиб турган бўлсин, бунинг учун ўзимизни диктирмамиз Гулихонни олиб чиқсаларингиз ҳам бўлади. Пигураси кадрбоп. Лекин бир «но»си бор, Гулихонни кўпам катта планда кўрсатманглар, эри таниб қолиб, жанжал чиқариб юрмасин... Хўш, ундан кейин укамиз қўшиқ айтиб қизга, яъни Гулихонга яқинлашсин ва қўшиқ финалида иккаласи етаклашиб кетишсин...

Катта тайёргарлик ва қийинчилик билан қўшиқ «шеф»нинг сценарийси асосида тасмага туширилди. Орадан бир ҳафта ўтиб Тўхлиев Каттабековни бошлаб келди. Шартта жой қилиб, рисоладагидек кутиб, едириб-ичириб юбордим. Кетаётиб, ширакайф Тўхлиев қулоғимга шипшиди.

— Бугун эфирга кетасиз!

Тўғриси, шу куни ўзимни қўярга жой тополмай, барча танишларга айтиб чиқдим. «Бугун телевизорга чиқаман, кўрингларр!»

Телевизорни қўйганимизда ҳали қуёш ботмаган эди. Бир пайт концерт бошланди. Бутун фикру хаёлим экранда. Бошида икки-учта ёш гуруҳлар чиқди. Кейин экранда ўзимизнинг Шамшод ариғи пайдо бўлди. Ариқ бўйида бир қиз хаёл суриб турибди. Орқа пландан олган бўлса-да, Гулихонни дарров танидим. Бир вақт қиз иккинчи планга ўтиб, узоқдан менинг қорам кўринди. Қўшиқ куйлаб келяпман, қўлимда атиргул. Қизга яқинлашиб келдим ва қўлимдаги гулни унга бердим, у менга табассум изҳор қилди. Қўшиқ энди авжига чиқиб, «зор этма бунча» нақаротини айтаётганимда телевизорнинг экранидан ўт чиқиб кетди, хонани тутун қоплади. Қайфим учиб, орқамга қарасам, хотиним қўлини белига тираганча ғоз турибди.

— Уйдагисига бир боғ пиёз ҳам йўқ, хуфясига атиргул?!

— Қўйсанг-чи, бу гапларингни. Ахир у проста видеоклип учун фон-ку.

— Пон бўлса, нега бирор марта ҳам юзини кўрсатмади?

— Бошида шунга келишилган, уни эри бор, кўриб қолса...

Хуллас, жанжал хотиннинг болаларни етаклаб онасиникига кетиши билан якун топди...

Эртасига ишхонага борсам, у ерда ҳам жанжал.

— Сизга бу ҳам кам, Солижонов! — деди бошлиғимиз дабдурустдан. — Бинойидек хотинингиз, иккита ширинданшакар болангизни қўйиб, нима қилардингиз бошқасига уйланиб? Кеча телевизорда кўриб, азбаройи хурсандлигимдан эрталаб шахсан ўзим сомсахонангизга ўтиб, табрикламоқчи эдим. Аксига олиб, мана, — бошлиқ бир варақ қоғозни мен томонга сурди: — Қайнатангизнинг шикоят хати! Хотинингизни ҳайдаб юборибсиз, телевизордагиси иккинчиси экан...

— Ахир, у хотиним эмас, — дедим босиқлик билан, — шунчаки видеоклип учун бошқа бир аёлни... Унинг ҳам бошида эри бор...

— Қанақа видеоқилиқ?! Қанақа бошқа аёл?! Ҳали унинг ҳам эри келиб, мени бошимда ёнғоқ чақар?!

Жон куйдириб тушунтирсамда, бошлиқ мени тушунмади.

— Бизнинг жамоамизда қилиғи борларга жой йўқ!..

Бошим хумдай шишиб эшикдан чиқсам, ғўлабирдай бир йигит қошларини чимириб турибди.

— Мирқобил сомсапаз сиз бўласизми? — деди йўлимни тўсиб...

Мен унинг саволига ё жавоб бердим, ё йўқ, эсимда йўқ... Мана, бир ҳафтадан буён хонанишин бўлиб ўтирибман. Башарам телевизор тугул, кўчага чиқишга ҳам ярамайди. Менимча, Гулихонни қўшиқ охирида катта планда кўрсатишган бўлса керак...

Илҳом ЗОЙИР.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ

ТАРИХ ВА ШАРҚ ТИЛЛАРИ ЛИЦЕЙИ

Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги тарих ва шарқ тиллари лицейи Ўзбекистон Республикаси шарқ тилларига ихтисослашган ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синфини намунали битирган ўқувчиларни қабул қилади.

Лицейда тарих ва шарқ тиллари (араб, форс, ҳинд, хитой, япон, инглиз тиллари) бўйича дарслар Тошкент давлат Шарқшунослик институти етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида, институтнинг ўқув-методик ёрдами ва тавсиялари асосида олиб борилади.

Танлов оғзаки суҳбат, диктант ва тест синовлари тарзида (9-синф ҳажми доирасида она тили ва адабиёт, тарих ва бирон бир шарқ тилидан) ўтказилади.

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. *Директор номига ариза.*
2. *9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асли.*
3. *086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.*
4. *3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.*
5. *Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асли ва нусхаси.*
6. *Турар жойидан маълумотнома.*

Ҳужжатлар 2001 йил 31 июлгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 1-10 август кунлари ўтказилади.

Лицей манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 12-уй (мўлжал: Қозоғистон Республикаси элчихонаси рўпарасида). Метронинг «Ойбек» бекати, 25, 60 автобус, 2, 5, 25, 27 трамвай ва 5, 10, 17, 20 троллейбусларнинг «Жуковский» бекати.

4455

Мулкчилик шакли турлича бўлган фирма, қўшма корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари



ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сонли ***«Ўзбекистон темир йўллари»*** Давлат акционерлик темир йўл компаниясининг бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан ***«Узжелдорпасс»*** давлат корхонаси қайта тузилиб, унинг негизида мустақил юридик шахс ҳуқуқи билан ***«Узжелдорпасс»*** унитар корхонаси ташкил этилади.

Унитар корхонанинг ўзбек тилидаги фирмали номи «O`zbekiston temir yo`llari» DATK «O`ZTEMIRYO`LOVCHILARTASHISH» корхонаси деб тасдиқланади.

Янги корхонанинг юридик манзили: 700210, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 2-уй (Мўлжал: Жанубий вокзал).

4446

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҚОШИДАГИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ

бир йиллик қисқартирилган қайта тайёрлов бўлимига 2001/2002 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Академия ҳарбийлаштирилган олий таълим муассасаси бўлиб, унда таълим олувчилар – тингловчилар ҳисобланади.

Олий ўқув юртларини тамомлаган ёши 30 дан юқори бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари, маълумоти иқтисодчи ёки ҳуқуқшунос бўлган ёки юқорида кўрсатилган мутахассисликларга эга бўлмаган Давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ) ва Давлат божхона қўмитаси (ДБҚ) ходимлари бир йиллик қисқартирилган қайта тайёрлаш бўлимига қабул қилинади.

Академия тингловчилари учун ўқиш даври солиқ ва божхона органларидаги хизмат стажига қўшилади.

ДСҚ ва ДБҚнинг бир йиллик қисқартирилган қайта тайёрлаш бўлимига қабул қилинган ходимларининг иш ўринлари сақланиб қолади.

Қисқартирилган бир йиллик дастур бўйича қайта тайёрлаш бўлимини битирганларга бакалавр дипломига тенглаштирилган сертификат берилади.

Академияга икки йўналиш бўйича:

"Солиқ ва солиққа тортиш" ва "Божхона иши" факультетларига қабул қилинади.

Абитуриент қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

- **таълим оладиган тили кўрсатилган ариза;**
- **олий маълумот ҳақидаги дипломнинг аслини кўрсатишлари шарт;**
- **саломатлиги тўғрисидаги 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;**
- **3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат (бош кийимсиз).**

Абитуриентларнинг қисқартирилган бир йиллик дастур бўйича қайта тайёрлаш учун ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ДСҚнинг вилоят давлат солиқ ва ДБҚнинг вилоят божхона бошқармалари томонидан 2001 йилнинг 20 июлига қадар қабул қилинади.

Солиқ ва божхона органлари академиясининг манзилгоҳи: Тошкент, Акмал Икромов тумани, С.Юсупов кўчаси, 3-уй. Маълумот учун телефон: 74-19-98.

4447

ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

I. ЭМИТЕНТ РЕКВИЗИТЛАРИ.

1. *Тўлиқ ва қисқартирилган номи:* ***«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси.***
2. *Ҳуқуқий манзили (бўлинманинг жойлашган манзили): 700000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй.*
3. *Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 24 майда рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги 1402 рақамли гувоҳнома.*
4. *Ташкилий-ҳуқуқий шакли: очиқ акциядорлик жамияти.*

II. АКЦИЯЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШ ТАРТИБИ.

1. ***Бошланғич маълумотлар:***
   а) низом жамғармаси: 344 171 220 000 сўм;
   б) акциялар сони: 34 417 122 дона оддий номланган акциялар;
   в) бир дона акциянинг номинали: 10 000 сўм.
2. *Оддий номланган акцияларнинг 100% Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тасарруфида.*
3. *Акцияларнинг чиқарилиш шакли: нақдсиз, ёзувлари Марказий депозитарийда сақланиш ҳолатида.*

4442

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси комиссия аъзоси Мариника Маратовна Бабаназаровага турмуш ўртоғи **Дамир Рейпназарович БАБАНАЗАРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири **Дамир Рейпназарович БАБАНАЗАРОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоаси вазирликнинг кадрлар бўлими бошлиғи Ҳаитбой Ҳаитбоевга отаси **Ўринбой ота ҲАИТБОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти ректорати ва муҳандис-қурилиш факультети жамоаси мазкур факультетнинг декани Сарвар Тошпўлатовга волидаи муҳтарамаси **ЖЎРАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2615. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — М. Норматов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00

123456